

“Тасдиқлайман”  
Тошкент шаҳар хокимиятининг  
“Ягона буортмачи хизмати”  
инжиниринг компанияси  
бош инженери



С.С. Сагдиев

“1” марта 2022 й.

“Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчасида  
ўрнатилган қозоқ шоири, композитор ва жамоат арбоби Абай  
хайкалини тозалаш, постаментини жорий таъмирлаш  
ва атрофини ободонлаштириш”  
объекти бўйича ишчи лойихани ишлаб чиқиш юзасидан

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент ш. – 2022й.

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар</b>
1	Объект номи	“Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчасида ўрнатилган қозоқ шоири, композитор ва жамоат арбоби Абай хайкалини тозалаш, постаментини жорий таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш”
2	Лойихалаштириш учун асос	Тошкент шаҳар хокимининг 2022 йил 24- февралдаги 171-14-0-Q/22-сонли қарори
3	Қурилиш-монтаж ишлари олиб бориладиган худуд	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчаси.
4	Қурилиш тури	Жорий таъмирлаш, ободонлаштириш.
5	Буюртмачи ва унинг адреси	Тошкент шаҳар хокимиятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компанияси Тошкент шаҳар, Ислом Каримов проспекти 16а -уй
6	Бош лойиха ташкилоти	Танлов асосида аниқланади.
7	Бош қурувчи пудрат ташкилоти	Тендер (танлов) савдолари асосида аниқланади
8	Лойихалаштириш босқичи	Ишчи лойиха
9	Молиялаштириш манбаи	Махаллий бюджет маблағлари.
10	Қурилиш-монтаж ишларини бошланиш ва яқунлаш муддати	2022 - йил
11	Қурилиш объектининг сейсмиклик даражаси	Сейсмиклик даражаси ҚМҚ 2.01.03-96 га асосан қабул қилинади.
12	Шахарсозлик талаблари	<p>12.1. ШНҚ 2.07.01-03. асосан қурилиш-монтаж ишлари жараёнида бузилган йўл ва тротуарлардаги қопламаларини қайта тиклаш.</p> <p>12.2. Лойихалаштириладиган коммуникация ва иншоотларни муҳофаза худудини таъминлаш.</p> <p>12.3. Лойихалаштирилаётган объектга яқин бўлган коммуникациялар ва иншоотларни муҳофаза худудини таъминлаш.</p> <p>12.4. Лойихалаштириладиган ер усти иншоотлари атрофини ободонлаштириш.</p> <p>12.5. Объект бош планини ишлаб чиқиш.</p>

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар</b>
13	Зарур бўлган лойихаолди ва лойиха-қидирув ишлари бўйича талаблар	<p>13.1. Объект худуди ва зарур бўлган участкалари бўйича, бош лойиха ташкилотини талаблари асосида топосъемкалар тайёрлаш – буюртмачи тақдим этади;</p> <p>13.2. Лойиха-смета хужжатларини давлат шахарсозлик экспертизасидан ўtkазиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>13.3. Лойихани экологик экспертизадан ўtkазиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>13.4. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш (ишчи лойиха) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.5. Лойиха-смета хужжатларига киритиш учун мухандислик ва технологик жихозларни танлаш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.6. Объект бош планини ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотлар билан келишиш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.7. Объектдаги мавжуд ободонлаштириш элементларини ва иншоотлар хамда мухандислик коммуникацияларини техник кузатувдан ўtkазиш (визуальное обследование) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.8. Лойихалаштириладиган ер усти иншоотларини экстерьер ва объект атрофини ландшафт дизайнини ишлаб чиқиш – бош лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>13.9. Лойиха -смета хужжатларини тегишли ташкилотлар билан келишиш – бош лойиха ташкилоти бажаради. Лойиха-смета хужжатлари, лойихани тегишли бўлимлари қуйидаги ташкилотлар билан келишилсин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Тошкент шахар қурилиш бош бошқармаси;</li> <li>- Тошкент шахар маданий мерос бош бошқармаси;</li> <li>- Санитария эпидемиология маркази;</li> <li>- Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси;</li> <li>- Энергия назорати ташкилотлари;</li> <li>- Тошкент шахар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар.</li> </ul> <p>13.10. Объектни лойихалаштириш билан боғлиқ айrim лойихаолди хужжатларини тайёрлаш – лойиха ташкилоти бажаради буюртмачи билан ўзаро келишилган холда;</p> <p>13.11. Лойихалаштириш жараёнида техник кенгашлар ва тегишли ташкилотлар билан учрашувлар ўtkазиш – буюртмачи ва бош лойихачи томонидан ташкиллаштирилади.</p>

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар</b>
14	Лойихалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган бино ва иншоотлар номи	<p>14.1. Лойихалаштириш ишларида ушбу лойихалаштириш топшириги, қурилиш нормалари ва буюртмачи талаблари эътиборга олинсин.</p> <p>14.2. Лойиха ишларига қўшимча талаблар ёки лойиха ишларига ўзгартириш киритиш фақат буюртмачининг расмий мурожаатига хамда лойиха ташкилотининг асосли таклифига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>14.3. Абай хайкали атрофидаги архитектура ва ободонлаштириш элементларини лойихалаштирища қозоқ миллий архитектура йўналиши эътиборга олинсин.</p> <p>14.4. Объект территориясида ногиронларни харакатланишини таъминлаш буйича чоратадбирлар кўзда тутилсин.</p> <p>14.5. Объектни электр таъминоти, сугориш сув таъминоти ва бошқа коммуникацияларни улаш нуқталари ва бошқа талаблари тегишли ташкилотларни техник шартлари асосида амалга оширилсин. Техник шартларни олиш учун лойиха ташкилоти томонидан керакли қувватлар хисоблаб чиқилиб буюртмачига тақдим этилади;</p> <p>14.6. Объект жорий нархи ШНК 4.01.16-09 ва бошқа норматив хужжатлар талаблари асосида хисоблансин. Смета хужжатларини тузишда ресурслар нархи қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган каталог, Давлат статистика қўмитаси расмий сайтидаги (stat.uz) қурилиш материалларининг жорий нархлари, машина ва механизмлар хизмати учун ўртacha нархлар ҳамда ўртacha иш ҳақи кўрсаткичларидан, ишлаб чиқарувчилар прайслистлари ҳамда қонунда таъқиқланмаган бошқа манбаалардан фойдаланилсин.</p> <p>14.7. Лойихалаштириш жараёнида Абай Кунанбаев ва Қозогистон хақидаги тарихий маълумотлар ўрганилсин.</p> <p>14.8. Тошкентдаги Абай Кунанбаев хайкали атрофини жорий таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида қуйидаги иш хажмлари ва шартлар лойихада кўзда тутилсин:</p> <p>14.8.1. Абай Кунанбаевни хайкалини махсус қоришка, химреагент билан тозалаш;</p> <p>14.8.2. Хайкал постаментининг гранит плиталарини полировка қилиш;</p>

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар</b>
14	Лойихалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган бино ва иншоотлар номи	<p>14.8.3. Хайкал постаментида ўрнатилган Абай номи, туғилган йили кўрсатилган вывескани махсус қоришма билан тозалаш;</p> <p>14.8.4. Хайкал атрофидаги гранит тўсиқлардаги кўчиб кетган, синган гранит плиталарни алмаштириш;</p> <p>14.8.5. Постамент ва хайкал атрофидаги гранит плиталар орасидаги тирқишлиарни ямаш (заделка швов);</p> <p>14.8.6. Хайкалнинг икки томонидаги яшил худудда Абай сўzlари битилган (жумладан «Начало успеха – когда есть единство людей») хамда Абай хақида қисқача маълумот кўрсатилган тахминан 0,6X1,2м ўлчамли 2 та рангли металлдан ёки мис рангли вывеска (маълумотлар стенди) ўрнатиш. Маълумотлар, ёзувлар қозок, ўзбек ва рус тилларида кўрсатилсин.</p> <p>14.8.7. Худудда 2 та металл декаратив скамейкалар ўрнатиш;</p> <p>14.8.8. Худудга 2 та урна қўйиш;</p> <p>14.8.9. Хайкални икки томонидаги яшил худуд четидаги хамда кўча томондаги тротуар бордюрларини замонавийсига алмаштириш;</p> <p>14.8.10. Абай Кунанбаев хайкали икки ёнидаги яшил худудда табиий мрамор тошлардан баландлиги 40 см.дан ошмаган 2 та кичик рокарийлар тайёрлаш;</p> <p>14.8.11. Абай хайкали икки ёнидаги яшил худудни кўкаlamзорлаштириш (16 та каштан, 10 та сосна, 22 та шамшад, 2 та берёза, 50та турли рангдаги ирис гул кўчати, 40 та лола, 15та оддий атиргул, 10 та сирень, 10та бульданеж). Дараҳт ва бошқа ўсимликларни экиш жойлари буюртмачи билан аввалдан келишилсин ва объект бош планида кўрсатиб ўтилсин.</p> <p>14.8.12. Ушбу лойихалаштириш топширигини 14.1. – 14.8.11. – пунктларидағи кўрсаткичлар мавжуд йўл-транпорт инфраструктураси холатига қараб, тегишли ташкилотларни, жумладан буюртмачи ва экспертиза органларини асосли талабларига кўра ўзгариши мумкин.</p>

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар</b>
15	Технологик процесслар ва жихозларга қўйиладиган талаблар	15.1. Лойихада замонавий ва энергия тежамкор мухандислик жихозлари қўллансин; 15.2. Лойихада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган трубалар ва темир-бетон хамда ободонлаштириш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланиш кўзда тутилсин.
16	Табиатни ва атроф-мухитни асраш бўйича талаблар	Лойихада кўп йиллик дарахтларни кесилишига йўл қўйилмасин.
17	Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича чоралар	Фавқулодда вазиятлар бўйича норматив хужжатлар асосида бажарилсин.
18	Ёнгин хавсизлиги талаблари	ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан бажарилсин.
19	Ташқи муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	Ташқи муҳандислик тармоқлари лойихаси АРТ-2 қисм ва техник шартларга асосан ишлаб чиқилсин;
20	Буюртмачига тақдим этиладиган ЛСХ хажми	ШНҚ 1.03.01-08га асосан: - ишчи лойиха - 3 экземпляр; - ишчи лойиха электрон версияси ПДФ форматида - 1 лазер дискда;  - смета хужжати – 1 экземпляр; - смета хужжатини электрон варианти – 1 лазер дискда;  - иллюстратив материаллар, жумладан экстеръер ва ландшафт дизайн ишлари юқори сифатли глянц қоғозларда, А3 форматли альбом шаклида – 3 экземпляр; - иллюстратив материаллар электрон версияси – 1 лазер дискда;

### “БУЮРТМАЧИ”:

Тошкент шахар хокимиятининг“Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компанияси бирламчи рухсат берувчи, лойиха хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи

Ш. Қодиров

Тошкент шахар хокимиятининг“ЯБХ” ИК бирламчи рухсат берувчи, лойиха хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассиси

Ф. Рихсиллаев